



Ташкент Оқшом

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2011 йил 2 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти ҳокимлигида 2010 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбарининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

● Республика таълим марказида буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан «Жондан сени кўп севарман, эй умри азиз!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

● Андижон маиший хизмат касб-хунар коллежида «Ёш тадбиркор — элга мадаккор» мавзuida семинар ўтказилди. Унда битирувчи ўқувчиларга «Микрокредит-банк» ОАТБ вилоят бошқаруви мутахассислари, статистика ва солиқ идоралари вакиллари тадбиркорлик ва кредит соҳасидаги ислохотлар ҳамда имтиёзлар тўғрисида тушунча бердилар.

● Навоий вилояти Навбахор туманининг «Кескантрак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий гузар мажмуаси бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларини амалга ошириш учун тадбиркор Шавкат Рўзикулов ўз маблағи ҳисобидан 75 миллион сўм сарфлади. 10 га яқин маиший хизмат шохобчалари ўрин олган мазкур мажмуада 18 киши иш билан таъминланди.

● Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусикали театрида «Юртимнинг муқаддас тупроғи» деб номланган янги спектаклнинг тақдироти бўлиб ўтди. Унда юрт фидойилари, бутун меҳрини Ватан озодлиги ва равнақига бахшида этган инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

● Қизилтепа туманидаги «Гардиёр оқ чашмаси» фермер хўжалиги қошида 0,6 гектарлик иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун тадбиркор Улуғбек Кенжаев шахсий жамғармасидан 70 миллион сўм сарфлади. Ҳозир иссиқхонадан қунига ярим тоннага яқин сервитамин сабзавотлар олиниб, аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

● Наманган вилояти Чуст туманидаги «BT—2001» масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 130 минг АҚШ долларлик модернизация ишларининг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 27 фоизга ошди. Мазкур корхонада ўтган йил 60 турдаги 250,4 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи эшик ва дераза тўтқичлари ҳамда мебель учун жиҳозлар тайёрланди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 1,42 долларга пасайиб, бир баррели 90,77 доллар қийматида қайд этилди.

● Австралияда «Яси» довули хуружи олдидан қирғоқ атрофидаги аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ишлари бошланди.

● АҚШ молия вазирлиги Эроннинг ядро дастури билан алоқадор бўлган бир гуруҳ шахслар ва компанияларга нисбатан санкциялар белгилади.

● Буюк Британия халқаро тадқиқотлар қироллик институти томонидан тайёрланган маърузада таъкидланишича, 2010 йилда денгиз қароқчилари томонидан жаҳон иқтисодиётига етказилган зарар 12 миллиард долларга яқин қийматни ташкил этган. Унинг асосида денгиз юк ташувларида тарифлар ва суғурта нархларининг ошиши ётибди. Бунда етказилган деярли барча (95 фоиз) зарарни Со-мали қароқчилари келтирган.

● Панама полицияси томонидан 1,6 тонна кокаин гиёвандлик моддаси йўқ қилинди. 66 та салафан халтага махсус жойлаштирилган гиёвандлик моддаси мамлакатнинг Колон музофотида жойлашган маҳфий ердан топилган.

● Халқаро автомобиллар фестивалида ўтган йилнинг «Энг чиройли автомобили» аниқланди. 26-бор ташкил этилган мазкур тадбирда ҳакамлар «Citroen DS-4» русумли автомобилни ана шундай эътирофга лойиқ деб топиди. Овоз бериш жараёнида дунёнинг 62 мамлакатидан 60 минг нафар киши қатнашган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Корхона салоҳияти ҳақида гап борганда, аввало эришилган натижалар ва сифат кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутати. Йилдан йилга ички бозоримиз сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан тўлдирилмоқда. Импорт ўрнини босувчи модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга ошириш талаб этилади.



Саноат

СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ

«Агрегат заводи» акциядорлик жамиятида ҳам босқичма-босқич амалга оширилган модернизация ишлари, замонавий дастоҳ ва ускуналар ўрнатилиш ўз самарасини бериб, маҳсулот турларини кўпайтиришида, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишида муҳим омили бўлмоқда. Корхонада асосан қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган тракторлар учун тиркама ва осма техника ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

— Бугунги кунда корхонамизни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Нуриддин Баратов. — Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш тажрибасини бойитиб бормоқдамиз, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириб, маҳсулот экспортини ошириш юзасидан узоқ муддатли дастур изчил татиб қилинмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг таннархини пайсантириш, сифати ва рақобатбардошлигини оширишига алоҳида эътибор қаратишимиз.

— Президентимизнинг 2009 йил 12 мартдаги «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида» Қарори ижросини таъминлашга ҳам муҳим эътибор қаратилган. Барча цехларда автоматлашган бошқарув тизими жорий қилинди. Пойтахтда биринчи марта сафида корхонамиз ишлаб чиқаришида энергия тежамкорлигига эришиш йўлида самарали ишларни амалга оширмоқда.

Айни кунларда корхонанинг 450 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилари қишлоқ меҳнатқашлари учун навбатдаги буюртмани бажаришда ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Яъни баҳор мавсуми учун пахта экиш сеялкаларини тайёрлаш қизгин паллада. Жумладан, жамиятда пневматик аниқ экиш сеялкалари, вентиляторли пуркагичлар, тиркама пуркагичлар, шестерняли насослар, икки поғонали цилиндрли редукторлар, пайвандлаш аппаратларининг янги авлоди ишлаб чиқариляпти.

Ишчи-хизматчилар тайёрлаётган маҳсулотнинг сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда, буюртмаларнинг ўз муддатида бажарилишида, корхоналари нуфузини ошириш йўлида бор маҳоратларини ишга солишмоқда. Утган йили белгиланган режа 100 фоиздан ошириб бажарилганини буни яққол исботлайди. «Агрегат заводи» акциядорлик жамияти 2010 йилда 8 миллиард 275 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди. Бу аввалги йилларга солиштирилганда ўсиш суръати ошганлигини кўрсатади.

Жорий йилда ҳам корхонада узоқ истиқболни кўзлаб тузилган аниқ лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, маҳсулотнинг бир нечта янги намуналарини устида ишлаб давом эттирилмоқда. Асосий мақсад аниқ — ички бозорни импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан тўлдириб, юртимиз иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса қўшилиши.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Ҳақимжон Солиқов олган сурат

да ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини кучайтириш, олиб бориладиган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш, ёш авлод ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашдан иборат.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, мазкур лойиҳа доирасида ҳозиргача юртимизнинг турли ҳудудларидаги маҳалла, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида олти юздан зиёд давра суҳбатлари, конференциялар, мулоқот ва семинарлар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда 55 минг нафарга яқин аҳоли, жумладан, ёшлар қамраб олинди.

(Давоми 2-бетда)

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 23 (11.834)

Баҳоси эркин нарҳда

ЕВРОПА ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРГАН ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Брюсселга ташрифи хорижий мамлакатлар эксперт-таҳлилий ва ишбилармон доиралари томонидан кенг шарҳланмоқда.

Кембриж Форумининг Марказий Осиё бўйича эксперти, доктор Ширин Акинернинг таъкидлашича, Президент Ислам Каримовнинг Брюсселга ташрифи Европа ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берган муҳим воқеа бўлди. «Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо Ўзбекистоннинг охириги йиллардаги эътиборга молик иқтисодий кўрсаткичларини алоҳида қайд этди. Бинобарин, шунга таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Европа Иттифоқининг ижтимоий ва хусусий сектори учун манфаатли ҳамкор ҳисобланади. Молиявий ва техникавий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши бунга яққол мисол бўла олади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг ташрифи чоғида имзоланган энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича меморандум ҳам томонлар ўртасидаги муносабатларда янги йўналишларни очиб беради», деб таъкидлади эксперт.

Ш.Акинернинг сўзларига кўра, Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти 2010 йил июнь ойида Қирғизистон жанубидаги вазиятни барқарорлаштиришда Ўзбекистоннинг тутган муҳим ўрнини эътироф этди ҳамда Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги беғараз ва амалий сиёсий ҳамда инсонпарвар стратегияси можаро кенгайиб кетишининг олдини олганини ҳаққоний равишда таъкидлади.

Ўзбекистоннинг юқоридаги вазият юзасидан ҳолис ёндашуви ва охириги йилларда эришаётган муваффақиятларини инобатга олган ҳолда, шунга айтиш мумкинки, ҳар иккала томон ҳам Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи Делегациясини таъсис этиш тўғрисидаги битимни манъуният билан имзолашгани табиийдир.

Бу ҳужжат икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқади ва яқиндан ҳамкорлик қилишга йўл очиб беради.

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Брюсселга ташрифи чоғида НАТО Бош қотиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашди. Бу наркотрафик, терроризм ва оммавий қиргин

қуроллари каби умумий хавфсизликка таҳдид солаётган хатарларга қарши биргаликда курашишга бўлган истакнинг муҳим белгиси бўлди. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш Ўзбекистон билан НАТО музокараларидаги кун тартибининг яна бир асосий мавзуси бўлди», дея ўз фикрини билдириб ўтди Ш.Акинер.

Унинг айтишича, Президент Ислам Каримовнинг Брюсселга амалга оширган ташрифини ўта муҳим воқеа сифатида баҳолаш мумкин. Ташриф асносида қўллаб соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга ҳуқуқий замин яратиш мақсадида имзоланган битимлар унинг самарадор бўлганини аниқлади.

«Ташриф томонлар учун уларни ташвишлантираётган масалаларни ўзаро муҳокама қилишга ва бир-бирларининг нуқтаи назарларини тушунишга қулай имконият яратди. Қисқача айтганда, ташриф бир томондан Ўзбекистон, иккинчи томондан эса, Европа Иттифоқи ва НАТО ўртасидаги ҳамкорликнинг прагматик ва реал жараёнлари бошланганидан дарак беради», дея хулоса қилади эксперт.

Малайзиянинг Осиё стратегия ва раҳбарлик институти вице-президенти Макс Сейнинг таъкидлашича, Брюсселга амалга оширилган ташриф ва музокаралар якунлари мавжуд муаммоларни ҳал этишда томонлар ёндашувларининг прагматизмга асосланганини намойён этди.

Унинг фикрича, Ўзбекистон, гарчи Европа мамлакатларининг ушбу йўналишидаги сиёсати АҚШ, Россия ва Хитойнинг сиёсатига нисбатан заиф бўлса-да, Европа Иттифоқи учун муҳим геосиёсий аҳамиятга эгадир.

«Иқтисодий глобаллашувнинг ўсиши муносабати билан марказида Ўзбекистон жойлашган Ўрта Осиё минтақаси Фарб ва Осиё ўртасидаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш ва фаоллаштиришда янги кўприк вазифасини ўтайди. Минтақанинг барқарор ривожланиши ва энергетика ресурсларини транспортировка қилиш учун, биринчи қолда, муайян шарт-шароит яратиш ва хавфсизликни таъминлаш тақозо этилади», деди эксперт.

(Давоми 2-бетда)

ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси жойларда ёшлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламига, айниқса ёшларга тушунтириш мақсадида Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати то-

монидан «Келажақ тараққиётининг кафолати» лойиҳаси амалга ошириляптир. Бундан кўзланган мақсад — ёшларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарабини янада юксалтириш, улар-

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА


Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbрот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирохиддинов номи академик лицейида Маънавият тарғиботи марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилган «Барқамол авлод — тараққиётимиз гарови» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда мутахассислар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

✓ **ЭРТАГА** Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиалида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишлар ва келгуси режалар муҳокамасига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилади.

Маҳалла — ота-она



Учтепа туманидаги «Ватанпарвар» маҳалласида ҳам ана шундай хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллада беш минг кишидан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

— Маҳаллада ҳар бир боланинг тарбияси, билим олиши, хунар ўрганиши, бандлиги, юриш-туриши доимий эътиборда, — дейди ўЗА муҳбирига маҳалла раиси Маҳбуба Нугманова. — Шу боис фарзандларимиз катталарнинг панд-насихатлари, маҳалламиздаги тартиб-қоидаларга қатъий амал қилади.

Бу борада «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Соғлом турмуш тарзи — соғлом келажақ гарови», «Одам савдоси: муаммо ва масъулият», «Ким бўлсам экан?», «Соғлом онадан — соғлом бола», «Огоҳлик — давр талаби», «ОИТС ҳақида нималар биласиз?», «Оила — миллий қадриятлар бешиги» каби мавзуларда жонли мулоқотлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Бу каби

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

тадбирлар оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, уларни касб-хунарга тўғри йўналтиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, маҳаллада кейинги икки-уч йил ичида вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилмагани ҳам ана шундай тарбиявий чора-тадбирлар самарасидир.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали ўтказиш мақсадида маҳалла болалари ўртасида кўплаб спорт мусобақалари, ёзги таътил кунларида кўнглинлар тадбирлар, мушоиралар ташкил этилади. Гойиб ва иқтидорли ёшларга ҳомийлар-

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида маҳалла институтининг ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб миллий қадриятлар ва аъёнлар қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда.

қилинди. Кутубхонада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда бир қатор тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Маҳаллада хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаш лозим. «Тадбиркорликни ривожлантириш — устувор вазифа», «Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари» мавзуларида ўтказилаётган тадбирларда ёш оилаларга оилавий бизнесни йўлга қўйишда йўл-йўриқлар кўрсатиш ва имкониятлар яратиш, касаначиликни ривожлантириш мақсад қилиб олинган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан кириб келган 2011 йилнинг мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилингани бу йўналишдаги амалий ишлар қўламини янада кенгайтириши шубҳасиз.

Гулбахор УМРЗОҚОВА



Бугунги кунда Олмазор туманидаги «Қорасарой» маҳалласи кундан-кунга чирой очиб энг обод ва ораста масканлар қаторидан ўрин олмоқда. Бунда албатта маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаолларининг ҳиссаси катта.



СУРАТЛАРДА: «Қорасарой» маҳалласи фаолиятдан лавҳалар Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

...Қишининг совуқ кунларига қарамай, пойтахтимизнинг Олмазор тумани «Мискин» маҳалласидаги болалар майдончаси ўғил-қизлар билан гавжум. Кўркам безатилган майдончада турли аттракционлар, спорт билан шуғулланиш жиҳозлари, эртак қаҳрамонлари ва гаройиб ўрмон манзараси тасвирланган суратлар болакайлар завқига завқ қўшади. Уларнинг қувонч тўла овози, шўх-шодон ўйинлари кишида ҳавас уйғотади.

Қарор ва ижро

БЕГУБОР ОРЗУЛАР МАСКАНИ

Маҳаллаларда замонавий болалар майдончалари кўпаймоқда

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислохотлар негизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом этиб вояга етказишдек эзгу мақсад муҳим. Бу борадаги эзгу ишлар мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда ўз ифодасини топмоқда. Айни пайтда ҳар бир маҳаллада замонавий болалар майдончалари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Маҳаллалардаги майдончалар болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишида муҳим ўрин тутди, — дейди ўЗА муҳбирига «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Жуманазар Жонибеков. — Пойтахтимиздаги мавжуд беш юзга яқин маҳаллада қулай, кўркам ва замонавий асосда жиҳозланган болалар майдончалари ташкил этилмоқда. Барча ўйин жиҳозлари болаларнинг ёши ва қизиқишига мос тарзда қурилмоқда. Санитария ва хавфсизлик талаблари таъминланаётган.

Илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон ўз умри давомида оладиган ахборотнинг 70 фоизи 5 ёшга бўлган дав-

рга тўғри келар экан. Бу жараёнда болаларнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳияти асосан ҳар хил ўйинлар воситасида ривожланади. Шу боис болалар майдончаларида спорт ва бошқа ўйинлар учун етарли шарт-шароит яратиш уларни атроф-муҳит билан ақиндан таништириш, ўзаро мулоқотга ўргатади, ўғил-қизларга мустақил ҳаракатланиш, ўз кучини синая кўриш имконини беради. Маҳаллалардаги болалар майдончаларида турли спорт ва халқ ўйинлари ташкил этилаётгани айни шу мақсадга хизмат қилади.

Болалар майдончаси аҳоли яшаш жойларининг марказида, уйлардан узоқ бўлмаган масофада, имкон қадар кенгрок ва очикроқ жойда барпо этилаётган. Уларнинг автомобиллар қатнайдиган йўлдан ва машиналар тўхташ жойидан узоқда бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, майдончадаги ўйин жиҳозлари бир-бирига халақит бермайдиган даражада ва масофада жойлаштирилади.

Болалар майдончалари алоҳида тўсиқ ёки панжара билан ўралади. Уларнинг ёғоч ёки металлдан тайёрланиши, бўйи камида 70 сантиметр бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу беҳавотир ва завқли ўйинлар кафолатидир.

Майдончалар дизайнидаги ранг-баранглик алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, кўзичорин шаклидаги айвончалар, ўргимчак тўри, қумхона, сирпанчик, турник, нарвон, ўриндик-

лар, карусель, лабиринт сингари ўйин жиҳозлари хавфсиз ва ҳар жиҳатдан фойдалидир.

— Маҳалламизда етти минг саккиз юздан зиёд аҳоли яшайди, — дейди пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Шайхонтоҳур» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Неъмат Раҳимжонов. — Яқинда қуриб битказилган замонавий болалар майдончаси ўғил-қизларимизнинг севимли масканига айланди. Маҳалламизда асосан кўп қаватли уйлар жойлашгани учун бундан нафақат кичикинтойлар, балки ота-оналар ҳам жуда хурсанд. Жорий йилда хомийлар кўмағида яна учта болалар майдончаси ташкил этилди.

— Уйимиз яқинида автотранспорт серқатнов бўлгани учун фарзандларнинг хавфсиз, эски ва зерикарли эди. Мана, уйимиз олдида яқинда қурилган болалар майдончаси замонавий, кўркам ва атрофи ўралган.

...Глобаллашув шароитида фарзандларимизга тўғри тарбия бериш, уларнинг фойдали машғулотларга йўналтириш долзарб аҳамиятга эга. Юртимиз маҳаллаларида қад ростилаётган бундай кўркам ва замонавий майдончалар бахт-ли болалика янгича мазмун киритди, ёш авлод қобилияти ва салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Гўзал САТТОРОВА

Ҳамкорлик

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб келаётган «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан маҳаллаларда истиқомат қиладиган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, бу борада ёшлар ташкилотининг шаҳар «Маҳалла» жамғармаси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиб фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика инспекторлари, посбонлар билан биргаликда вояга етмаган ўсмир-ёшлар билан олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунда албатта маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшлар онгига меҳр-муҳаббат, яхшилик, ўзаро ёрдам, саховат каби туйғуларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Маҳаллаларда турли мавзуларда ўтказилаётган тадбирларга элимиз ардоғидаги инсонлар, олим, шифокор, санъаткор каби ҳар хил соҳа мутахассисларини таклиф этамиз, — дейди «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши бўлими бошлиғи Гулнора Абдуваҳобова. — Мақсадимиз ёшлар, айниқса вояга етмаган ўсмирлар кўнглида илм олиш, касб-хунар эгаллаш, она-Ватанга муносиб фарзанд бўлишдек эзгу ниятга интилишни уйғотиш.

Яқинда мана шу ҳамкорликнинг узвий давоми сифатида «Камолот» ЁИХ билан шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида 30 дан ортиқ маҳаллаларда республикамиз Президентининг Олий Мажлис палатала-

рининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш бўйича тадбирлар ташкил этилди. Ҳуқуқий саводхонликни оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу анжуманларда Тошкент давлат юридик институти, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, халқ таълими, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб, маърузада мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган, мақсад ва мазмунига кўра юртимиз истиқболини белгилаб берувчи вазифалар илгари сурилганини изоҳлаб берди. Бу эртаимиз келажаги бўлган ёшларга билдирилаётган катта ишонч ва масъулият ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ишонамизки, — дея фикрини давом эттирди суҳбатдошимиз, — ёшларимиз ўз олдиларига қўйилган изчил вазифалар ва уларнинг давлатимиз эртаси учун нақадар дахлдор эканини чуқур англайдилар.

Ҳамкорликда ўтказилаётган ҳар бир тадбир, анжуман ва учрашувлар натижаси эса келгусида албатта ўз ижобий натижасини беради.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Маънавият

АНЪАНАЛАР ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

«Маданият карвонсаройи» ўзбек-япон илмий ижодий маркази бундан салкам ўн йил аввал ташкил топган эди. Орадан маълум вақт ўтгач, марказга Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Халқаро маданият карвонсаройи» мақоми берилди.

Бу даргоҳ Буюк ипак йўли аъёнларининг қайта тикланишига хизмат қилиб келмоқда. Айни вақтда ноёб экспонатлар билан бойиб бормоқда.

Эндиликда бу ерда ипак йўли тарихини акс эттирувчи алоҳида кўرғазма зали фаолият кўрсатмоқда. Археология, санъатшунослик, этнография каби соҳаларга доир мингдан ортиқ осори-атиқалар ҳам кўзга ташланади. Шу ерда ўрта аср усулида рангли туш ва қоғоз ўрамига ишланган асарлар ҳам қорейс мўйқалам усталарининг музейга қилган тўхталари ҳисобланади. Бошқа бинода эса тасвирий ва амалий бе-зак санъати бўйича республика ва халқаро кўрғазмалар уюштирилди. Булардан ташқари бино ўзининг бир неча кўрғазма залига эга. Ушбу экспозицияларда археологлар гуруҳи ва илмий ходимларнинг чет эллик мутахассислар билан олиб борган изланишлари натижаси ўз аксини топган.

«Буюк ипак йўли қулоччилиги» экспозициясига катта ўрин ажратилган.

Археологик топилмаларга ишлов бериладиган ва қайта тикланадиган хоналарда фаолият кўрсатувчи мутахассислар учун қатор қулайликлар яратилган. Буюк ипак йўли қулоччилиги экспонатлари эндиликда алоҳида мўъжаз музейда сақланмоқда.

ЯНГИ МАРКАЛАР ТАҚДИМОТИ

«Коинот сизники, уни кашф қилинг» лойиҳаси халқаро миқёсда амалга оширилди. Халқаро астрономия йили муносабати билан қилинган бу даъватга жавобан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи қатор ибратли ишларни амалга оширди.

Янги почта маркаларининг чоп этилиши ҳам шу санага бағишланди. Самарқанд шаҳрининг Улуғбек мемориал музейида ана шу туркум марканинг тақдими бўлиб ўтди. Бу анжуманнинг Самарқанд шаҳрида уюштирилиши рамзий маъно касб этди.

Ўзбек астрономи, математиги Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган анжуманда улуғ мунажжим илмий фаолиятининг халқаро аҳамияти қайд этилди.

Самарқанд шаҳрида бунёд этилган Улуғбек мадрасаси довуруғи ҳам фахр билан тилга олинди.

Шунингдек, «Ўзбекистон маркаси» очик акциядорлик жамиятида тайёрланган занжир кўри-нишидаги битта купонли иккита почта маркаси муомалага киритилди. Почта маркаларида Тошкент шаҳрида Улуғбекка ўрнатилган ҳайкал ва Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси тасвирланган. Занжирнинг марказидан «Коинот сизники уни кашф этинг» халқаро астрономия йили рамзи туширилган купон жой олган.

Ақбар АЛИЕВ

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига руҳсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга руҳсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Тошкент шаҳар прокуратураси ва туман прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига кўнгирак қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
		007
1	Тошкент шаҳар прокуратураси	271-12-26, 277-10-11
2	Бектемир туман прокуратураси	295-02-81
3	Миробод туман прокуратураси	215-66-56
4	Мирзо Улуғбек туман прокуратураси	267-68-38
5	Олмазор туман прокуратураси	248-84-14
6	Сергели туман прокуратураси	258-67-10
7	Учтепа туман прокуратураси	271-52-00
8	Ҳамза туман прокуратураси	289-58-20
9	Чилонзор туман прокуратураси	277-91-62
10	Шайхонтоҳур туман прокуратураси	249-61-01
11	Юнусобод туман прокуратураси	235-25-36
12	Яккасарой туман прокуратураси	250-03-94

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ

Кўргазмалар
РАССОМЛАР СУЛОЛАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси
Марказий кўргазмалар залида очилган Ли сулоласининг «Палитра» бадий кўргазмаси санъат ихлосмандлари эътиборини тортмоқда.



Кўргазмада пойтахтимизда яшаб, ижод қилаётган Ли рассомлар сулоласи ижодий фаолияти намойиш этилган. Экспозициядан рангтасвир, графика, инсталляция, видео материаллар ўрин олган.



Кўргазмадан Ли сулоласининг 200 дан ортиқ рангтасвир, графика ва инсталляция асарлари ўрин олган. Шунинг ҳам таъкидлаш керак, ушбу мўйқалам соҳиблари ижоди Ўзбекистон санъати палитрасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Болалар спорти
ЁШ ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

Республика шахмат клубида 10 ва 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатида икки юз нафарга яқин ёш шахматчи ғолиблик учун дона сурмоқда.

Ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида кетма-кет тўрттадан учрашувда зафар кучган самарқандлик Далёр Воҳидов, пойтахтлик Саидакбар Сайдалиев, Нодирбек Абдусатторов ва хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев етакчилик қилмоқда.

ва сирдарёлик Элбек Жумановдан устун келди. Ш.Бадалиев эса ўз ҳамшарлари — Охун Абдусатторов, Абдуқодир Алимов, Неъмат Ортиқов ва жиззахлик Воҳид Абдуқолиқовни мағлубиятга учратди. Бешинчи турда икки пешқадам — Олег ва Шаварш ўзаро дона сурди.

Жийданинг табобат бобидаги ўрнига келсак, у халқ амалиётида мева дамламаси кўринишида болаларда учрайдиган ич кетишига қарши даво ҳисобланади.

Халқ табобатида жийда бедармонликда, силла куришида тетиқлики ошириш мақсадида давса этилади. Бундай тадбир айни йилнинг салқин фаслларида киши аззоларига пором келади.

Кўҳна замонлардан бери жийда боғларимизни, ариқ, сой соҳилларини жозибали бир тусга киритиб турадиган наботот намунаси ҳисобланади.

Жийда мевалари витаминларга бой бўлганлиги туфайли замонавий тиббиёт амалиёти-ёриланадиган бундай доривор омилнинг номи «Пшатин» бўлиб, у ошқозон-ичак касалликларининг давоси сифатида буорилади.

Шифобахш неъматлар
ТИЛЛАРАНГ МЕВА

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИҚ ДОМО БЎЎЎ

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ
ТАБИАТ ҲАҚИДА
Аввал — баҳор, охир — ҳазон.

Айём ажуз олти кун,
Қаҳри келса, қаттиқ кун.
Вақт тоғни емирад,
Сув тошни кемирад.
Дарё қанчалик чуқур бўлса,
Шунчалик секин оқади.

Ёз ёзил, қиш йиғил.
Ёз ёғини — ёнингдан,
Қиш ёғини жонингдан ўтади.
Кечдан кўра эрта хосиятли.
Кун қизариб ботса, қизингни узат,
Тоғ қизариб ботса, томингни тузат!

Наврўздан сўнг қиш келмас,
Мезондан сўнг ёз бўлмас.
Ой чиқса — олам гулистон.
Табиат ҳасис эмас,
Тикандан гул, аридан бол яратади.
Эртаги совуққа учрасанг, учра,
Кечки совуққа учрама!

Узгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 3 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

1. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси МХХда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "Опель Кадетт" русумли, д/р 3010796 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 23.04.2010 йилдаги 12064/17. Бошланғич баҳоси — 2 340 900 сўм. 2. "Форд Скорпио" русумли, д/р 10P4257 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.10.2009 йилдаги №16788/17. Бошланғич баҳоси — 4 671 934 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 10 март кунини соат 11:00да бўлиб ўтади.

«Республика Кўчас мулк биргаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
хоси — 24 537 976 сўм. 2. "BA3-21011" русумли, д/р 11T1686 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.02.2010 йилдаги №2307/17. Бошланғич баҳоси — 3 503 706 сўм. 3. "GA3-2401" русумли, д/р 30Y1306 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.05.2010 йилдаги №13185/17. Бошланғич баҳоси — 2 355 718 сўм. 4. "Леганза" русумли, д/р 30J6488 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.02.2009 йилдаги №2808/17. Бошланғич баҳоси — 12 170 341,80 сўм. 5. "БМВ-318" русумли, д/р 11Z3081 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.05.2009 йилдаги №7490/17. Бошланғич баҳоси — 5 685 164 сўм. 6. "БМВ-520" русумли, д/р X829SPM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.05.2009 йилдаги №7490. Бошланғич баҳоси — 11 203 171 сўм. 7. "БМВ-316" русумли, д/р 30Z6479 бўлган,

1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.05.2009 йилдаги №7731/17. Бошланғич баҳоси — 16 475 311 сўм. 8. "Daimler Chrysler" русумли, д/р 30A7293 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.03.2008 йилдаги №4680/17. Бошланғич баҳоси — 28 350 000 сўм. 9. "Хонда Цивик" русумли, д/р 30S1940 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 02.02.2009 йилдаги №2809/17. Бошланғич баҳоси — 4 809 663 сўм. 10. "Митсубиси" русумли, д/р 30R5592 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.08.2009 йилдаги №14486/17. Бошланғич баҳоси — 35 891 998 сўм. 11. "Ауди-А6" русумли, д/р 30T9611 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.07.2009 йилдаги №11906/17. Бошланғич баҳоси — 24 300 000 сўм. 12. "Ауди" русумли, д/р 30B0466 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт во-

ситаси, ижро ҳужжати 06.07.2009 йилдаги №11906/17. Бошланғич баҳоси — 11 700 000 сўм. 13. "Одаз-8380" русумли, д/р/сиз, 1983 йилда и/ч тиркама, ижро ҳужжати 19.05.2008 йилдаги №10116/17. Бошланғич баҳоси — 1 215 000 сўм.
Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4581 нусxada босилади.
Қотғи биринчи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланд
«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
123 4 5